

МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЙ



Илимий-методикалық журнал

2023

6/3-сан

*Озбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жасындағы
Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының
25.10.2007 жыл (№138) қарапы менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.
№01-044-санлы гүйалық берилген.*

Нөкис

6/3-сан 2023

декабрь

Шолкемлестириүшилер:

**Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириү Министрлиги,
ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы**

Редактор:

А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:

Маңсет АЙЫМБЕТОВ	Лобар МУХТОРОВА
Нағмет АЙЫМБЕТОВ	Камаладин МАТЯКУБОВ
Адхамжон АБДУРАШИТОВ	Раъно ОРИПОВА
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ	Бахтиёр РАХИМОВ
Ерполат АЛЛАМБЕРГЕНОВ	Фуркат РАЖАБОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ	Сайёра РАХМОНОВА
Дилшодхұја АЙТБАЕВ	Арзы ПАЗЫЛОВ
Интизар АБДИРИМОВА	Барлықбай ПРЕНОВ
Мавлюда АЧИЛОВА	Дилшода САПАРБАЕВА
Нурийдин АЧИЛОВ	Феруза САПАЕВА
Тұлкин АЛЛАЁРОВ	Зайниддин САНАҚҰЛОВ
Мариғжон АХМЕДОВ	Қажхор ТУРСУНОВ
Умида БАХАДИРОВА	Амина ТЕМИРБЕКОВА
Фарҳад БАБАШЕВ	Нурзода ТОШЕВА
Ботир БОЙМЕТОВ	Куанишбек ТУРЕКЕЕВ
Гулзода БОЙМУРОДОВА	Гулноз ТУРАЕВА
Шахло БОТИРОВА	Гулмира ТОЖИБОЕВА
Маманазар ДЖУМАЕВ	Тажибай УТЕБАЕВ
Аскәр ДЖУМАШЕВ	Мамбеткерим ҚУДАЙБЕРГЕНОВ
Алишер ЖУМАНОВ	Амангелди КАМАЛОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА	Дилбар ҚАРШИЕВА
Холбой ИБРАГИМОВ	Воҳид КАРАЕВ
Умида ИБРАГИМОВА	Дилбар ҚОДИРОВА
Лола ИСРОИЛОВА	Ризамат ШОДИЕВ
Меруерт ПАЗЫЛОВА	Абдушукур ШОФҚОРОВ
Аскәrbай НИЯЗОВ	Дилфузад ШАББАЗОВА
Сабит НУРЖАНОВ	Зафар ЧОРШАНБИЕВ
Захия НАРИМБЕТОВА	Рустам ФАЙЗУЛЛАЕВ
Мехри НАРБАШЕВА	Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Улфат МАҲКАМОВ	Тармиза ХУРВАЛИЕВА
Уролбой МИРСАНОВ	Умид ХОДЖАМҚУЛОВ
Нуржан МАТЧАНОВ	Жавлонбек ХУДОЙБЕРГЕНОВ
Сафо МАТЧОН	Гулрухсөр ЭРГАШЕВА
Шукурилло МАРДОНОВ	Гавхар ЭШЧАНОВА
Шахсанам МАТУПАЕВА	Қонысбай ЮСУПОВ



МАЗМУНЫ

ТИЛ ХЭМ ЭДЕБИЯТ

Raximova N. Xorijiy tilni o'qitish sharoitida bo'lajak tibbiyot mutaxassislarining umummadaniy kompetensiyasini rivojlantirishning ahamiyati	7
Atamuratov R. Raqamlı transformatsiya - ta'lim samaradorligining asosi	14
Norov N. Husayn Voiz Koshifyning axloqiy qarashlarida adolat kategoriysi	21
No'monxonova M. Axborot texnologiyalari va bo'lajak tilshunoslarning kommunikativ kompetensiyalari metodikasini rivojlantirishi va hozirgi holati	26
Суюнов Б.Т. Тезаурус – лингвистик тараққиёт омили	33
Shofqorov A.M. Hamid Olimjonning takrordan foydalanish mahoratiga doir	39
Fayzimatova N. Kinship terms and teknonymy	44
Nazarova R. Effectiveness of teaching through riddle	51
Nishonova Sh. The role of gestures in effective communication	56

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Tilegenov A.T. Yoshlarda milliy g'oyani shakllantirishda xalq og'zaki ijodidan foydalanishning metod va vositalari	61
Xalikov F. Ta'lim tizimida testologik texnologiyalardan foydalanishning pedagogik mazmuni	66
Rasulova G. Adabiy ta'limida o'quv topshiriqlarini ishlab chiqishning ilmiy-nazariy asoslarini takomillashtirish	76
Baisov A. Umumta'lim maktablarida ingliz tilini o'qitish muammolari	82
Mirsultanov I.M., Xasanov A.R. O'qituvchilik kasbida barqarorlikni shakllantirish muammosining mavjud holati	86
Jo'raev Yu.K. Pedagogik oliv ta'lim muassasalarida elektrotxnika fanini o'qitishda ta'lim usullaridan amaliy foydalanish yo'llari	90
Yo'ldosheva D. Kreativlikni rivojlantirish muammosiga doir xorijiy tadqiqotlarning retrospektiv tahlili	94
Tojiboyev J. Kreativ yondashuv asosida talabalarning badiiy-estetik kompetentligini rivojlantirish mazmunini belgilashning pedagogik talablari	102
Siddiqov B. O'quvchilarning aksiologik kompetentligini rivojlantirish tushunchasi va tahlili	108
Mexmonaliyev Sh.N. Husayn Voiz Koshify ijodida axloqiy tarbiya masalalarining yoritilishi	113
Muminova D. Oliy ta'lim muassasalarida ta'limni tashkil etishda shaxsga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyalarining pedagogik imkoniyatlari	120
Axmedov B.A. Muammoli ta'limda suqrotona yondashuv metodikasi	126
Bobomurodova L.E. Talabalarning kasbiy-metodik ijodkorligini rivojlantirish	131
Abdusattorov A., O'ranova N. O'zbek xalq cholg'ulari orkestiri vositasida bo'lajak musiqa fani o'qituvchisining ijodiy kompetentligini rivojlantirish metodlari	136
Aliyeva M. Pedagogik amaliyat jarayonida bo'lajak biologiya o'qituvchilarining kasbiy-metodik tayyorgarligini takomillashirish	146
Ражабов X. Ракамли таълим муҳитида бўлажак кимё ўқитувчилари ахборот-методик компетентлигини такомиллаштириш муаммоси	151
Saydullayeva A. Ta'limda gender madaniyatni rivojlantirishda ijtimoiylashuv jarayonining pedagogik-psixologik ahamiyati	157
Mamayusupov J. Analistik tafakkurni rivojlantirishda pedagogning intellektual faolligi va uning o'ziga xos xususiyatlari	164
Toshaliyev D. Milliy musiqiy meros va unga o'quvchilarda aksiologik munosabati shakllantirishning ijtimoiy ahamiyati va tarbiyaviy xususiyatlari	169
Shermatova Y.S. Biologiya fanini o'qitishda zamonaviy metodlar	177
Yuldashev D.T., Maxammadaminova D.A. Aqli zaif o'quvchilar nutqining fonetik tomonidan buzilishi va ularni bartaraf etish yuzasidan logopedik ishlar	181
Oppoqxo'jayev X.A. Inkluyuziv ta'lim sharoitida o'quvchilarni o'zini -o'zi rivojlantirish kompetensiyalarini rivojlantirish	189



Raxmonov A.R. Ta'lim innovatsiyalari va zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalnish imkoniyati	193
Karomov B.K. O'qituvchilarning kommunikativ kompetensiyasini rivojlantirishning psixologik mohiyati	199
Лұхманов Д.Б. Миллій анъаналардан фойдаланиш технологиялари асосида касбий-педагогик фаолиятни ташкил этиш муаммосининг назарий ва амалий ҳолати	207
Xalmuxamedova M.A. Talabalarining kasbiy kompetentligini takomillashtirishda mehnatning roli	213
Ismoilova N.S. Talabalarda kreativ faoliyatni rivojlantirishning mavjud holati	219
Жұраев Ш.М. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида рефлексив позицияни ривожлантиришнинг түзилиши ва ўрни ҳамда ахамияти	225
Жұраев Ш.М. Бұлажак ўқитувчиларда рефлексив позицияни ривожлантириш мезонлари ва күрсаткычлари ҳамда даражалари	233
Bekqulov Q.Sh., Barakayeva Ch .S. Darsdan tashqari vaqtarda talabalarining mustaqil ijodiy ish faoliyatini tashkil etish bosqichlari	241
Raxmanova M. Q. Individual o'qitish texnologiyasi asosida o'quvchilarning faolligni rivojlantirish	246
Quyliyeva O.R. Ilk katta sinf o'quvchilariga texnologiya darslarini o'qitishda kasbga yo'naltirish tamoyillarini shakllantirish masalalari	253
Ismailova D. R. Talabalarning axloqiy-madaniy kompetensiyalarini rivojlantirish mechanizmleri	259
Abdirimova I.K. Klaster modeli asosida o'quvchilar loyihalash faoliyatini shakllantirish	264
Ortiqov O.A. Marketing tadqiqotlaridagi zamonaviy yondashuvlar tahlili	269
Qurbanova M. F. Ixtisoslashtirilgan maktablarning tashkil etish zarurati	273
Исманова М.А. Талабаларда ижодий-креативлик сифатларини ривожлантириш	277
Bekturdiyev Q.B. Ta'linda boshqaruv tizimi samaradorligini oshirishning o'ziga xos xususiyatlari	282
Наркабилова Г. К вопросу о потребности формирования цифровой грамотности студентов	286
Боймираева Д. Совершенствование механизмов организации и управления процессом формирования социальной креативности у будущих менеджеров образования	290
Юлдашева Г. Развитие профессиональной компетентности у будущих студентов педагогического ВУЗа	294
Умарова Г. Аспекты, заложенные в содержание профессиональных знаний будущих инженеров на основе интегративного подхода	300
Tashpulatov R.Kh., Saidnazarova S.F. Investigation of the quality of additionally acquired knowledge of the learning process	308
Sarsenbaev D. Pedagogical approaches in developing communicative competence	313

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Melikuzieva M. Talaba-yoshlarning ma'naviy axloqiy tarbiyasini rivojlantirishda Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u blig" asarining tarbiyaviy imkoniyatlari	324
Siddiqov I. Virtual muzeylar va ularning bo'lajak tarix o'qituvchilarida informatsion-analitik kompetentlikni rivojlantirishdagi o'rni	330

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Jumanqo'ziyev O'. Informatika fani darsligi dasturlash tillari bo'limlari mazmuni	336
Shirinov F.Sh. Multimedia texnologiyalarini ta'lim sohasida qo'llanilishi	344
Jumanqo'ziyev O'. Umumta'lim mkatablari o'quvchilarining axborot madaniyatini shakllantirishda dasturlash tillarining o'rni	349
Sulaymanova D. Texnik tizimlarda axborot texnologiyalari fanini o'rgatishda web-quest texnologiyasidan foydalananish	357
Yusupov M.R. Ba'zi matnlari masalalarini yechish usullari	



ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА РЕФЛЕКСИВ ПОЗИЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТУЗИЛИШИ, ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Жўраев Ш.М.

*Чирчиқ давлат педагогикауниверситети
“Жисмоний маданият назарияси” кафедраси ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: олий таълим муассасаси, талаба, рефлексив позиция, касбий компетенция, тузилиш, рефлексия.

Ключевые слова: высшее учебное заведение, студент, рефлексивная позитивность, профессиональная компетентность, структура, рефлексия.

Key words: higher education institution, student, reflexive positivity, professional competence, structure, reflection.

Педагогларда касбий компетенция сифатида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш муаммоси айниқса долзарб бўлиб, олий касбий педагогик таълимда янги методологик вазифаларни ҳал қилиш, мутахассислар компетентлиги даражасига янги талаблар ишлаб чиқишни талаб қилади.

Давлат стандартининг янгиланиши сабабли педагогнинг профессионализми унинг компетенция ва кўникмаларида намоён бўлиб, улар туфайли унинг касбий фаолияти сифатли амалга оширилади. Бундан келиб чиқсан ҳолда, унинг малакасини ва педагогик кўникмаларини ошириш учун рефлексив позициясини ривожлантириш педагогни тайёрлашнинг зарурый шарти ҳисобланади.

“Структура” (“тузилиш”) тушунчасининг замонавий фалсафий луғатда келтирилган таърифи қўйидагича: “объектнинг бир бутунлиги ва идентикилигини таъминловчи унинг кўплаб компонентлари ўртасидаги мустаҳкам алоқалар мажмуидир...” [1]. Шахс рефлексив позицияси тузилишининг ривожланиш жараёни турли муаллифлар тадқиқотларида турлича тақдим қилинган. А.В. Агафонов ва А.П. Тихонов нуқтаи назаридан педагогни тайёрлашда рефлексив позиция тузилишига талаба шахсининг



касбий йўналганлиги ҳамда унинг шахсига тегишли базаси киритилган. Жумладан, билимлари, қўнилмалари, дунёқараши, тажрибаси, қобилиятлари, темпераменти, характеристи ва ҳ.к. Масалан, билиш жараёнида рационал (ақлий) билиш функцияси, яъни идрок, тафаккур, хотира, қарор қабул қилиш кабилар ўрин эгаллайди. Мотивациялар доираси бўлажак педагогнинг ҳаётга нисбатан эмоционал-хиссий муносабат жараёнларини, унинг бошқа одамлар билан ўзаро таъсирда бўлишини тақозо қиласди. Қизиқишлар – бу шахснинг йўналганлик (ориентация) шаклларидан бири бўлиб, у ижобий ҳис-туйғулар билан “бўялган” ва диққат-эътиборнинг обьектга қаратилган, йўналтирилган билиш фаолиятидан иборат. Оламни идрок қилиш контекстида рефлексив позиция доираси – бу инсоннинг олам ҳақидаги умумий тасаввuri, унинг дунёга муносабати, шунингдек шахс томонидан дунёни идрок қилинишининг бош элементи сифатидаги Мен-концепциясидир.

Рефлексив позициянинг бош элементларидан бири талабанинг ўз мутахассислигини билиш, ўз ички дунёсини идрок қилиш ва атрофдаги олам билан алоқа қилишда ўз ўрнини излаш, ўз фаолиятига турли методикаларни жорий қилиш кабилардан иборат. Бундан шундай холоса чиқадики, инсон мавжудлигининг манбалардан бири унинг фаолиятининг мавжудлигидир, шунинг учун мақсадга эришиш учун рефлексияга кўплаб психик функциялар киради. Л.С.Выготский “рефлексия “онгнинг нормал дуаллигидা” ифодаланади, инсон бир томондан рефлексия субъектидир (“мен-назоратчи”), бошқа томондан эса, обьектидир (“мен-ижрочи”), шундай йўсинда шахс ўз хатти-ҳаракатларини назорат қиласди. Шунингдек, шуни таъкидлаш муҳимки, инсоннинг рефлексив таҳлил қилиш қобилияти – бу индивидлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни билиш натижасидир», деб ёзган эди [2]. Фақат одамлар, ўқувчилар, ҳамкаслар билан ўзаро таъсирда бўлгандагина, яъни шахс ўзгалар ҳис-туйғулари ва фикрларини тушунишга ва ўзига ўзи четдан назар ташлашга ҳаракат қилгандагина инсон ўзига ўзи рефлексив баҳо бериши мумкин.

Талаба шахснинг мақсадлари, қобилиятлари, қизиқишлари, интилишлари ва қадриятларида намоён бўлувчи шахснинг йўналганлиги (ориентация) ҳам рефлексив позицияга таъсир қиласди.

Бўлажак мутахассис томонидан ижтимоий тажриба орттириши педагогнинг касбий фаолияти учун катта аҳамият қасб этади, чунки у таълим жараёнида қўйидагилар асосини ривожлантиради:

- билимлар (илмий тушунчалар);



- кўнималар (ўз фаолиятини билимлар асосида амалга ошириш қобилияти);
- малакалар (касбий, маънавий, ақлий ва бошқа).

“Рефлексив позиция – бу инсоннинг профессионал хусусиятидир, у рефлексив жараёнларни самарали ва адекват тарзда амалга ошириш имконини беради, ривожланиш ва ўзини-ўзи ривожлантириши, педагогнинг ўз фаолиятига ижодий ёндашишини ҳамда юкори даражада самарадорлик ва натижавийликка эришишини кафолатлади” [3].

Рефлексив позициянинг тузилиши шахснинг касбий фаолият вазифаларини самарадор касбий даражада ҳал қилишга ундовчи функцияларни бајаришини кўзда тутади. Интуиция - индивид рефлексив позициясининг компоненти сифатида ифодаланади. Унинг ёрдамида бўлажак педагог содир бўлаётган вазиятларни адекват тарзда баҳолаши лозим:

- индивиднинг новербал намоён бўлишини (мимика, имо-ишоралар, бадан ҳаракатлари тили) ҳисобга олиш;
- маслаҳат олувчи киши билан мулоқотда уни интуитив тушуниш ва эмпатик тафаккурни қўллаш қобилияти, бундай теран мулоқотнинг ўзи ижобий таъсирга эга [4];
- мижознинг субъектив ҳаётий воқелигини тушуниш, мазкур ҳолда педагог инсоннинг “оёқ кийимини кийган ҳолда” унинг фикрларини тушунишга ҳаракат қиласи [5];
- педагогнинг хавф-хатарларни бошқариш ва хавфли вазиятда профессионал сифатида ўзини тутиш кўнимаси.

Вульфов Б.З. таъкидлашича, педагог рефлексив позицияси тузилишининг муҳим қисми “педагогик шубҳа” ҳисобланади, у болалар билан ишлашда намоён бўлади, бунда педагог одоб сақлаши ва тоқатли бўлиши, хулоса чиқариш ва ташҳис қўйишга шошилмаслиги, хайриҳоҳли мулоқот қилиши, айловчи ва насиҳатомуз оҳангларни истисно қилиши; кийин вазиятга тушиб қолган ўқувчига конструктив ёрдам кўрсатиш бўйича командада самарали ишни ташкил қилишни билиши зарур [6]. Бўлажак педагогда педагогик шубҳани туғдириш ва ривожлантириш жуда муҳим, чунки у унинг мактаб ўқувчилари билан ишлашда ҳамда унинг ўқувчиларга нисбатан баҳоловчи мулоҳаза юритишида намоён бўлади. Педагогик шубҳани ҳал қилиш педагог касбий фаолиятининг доимий ва йўналтирувчи омили ҳисобланади. Муаммо фикр юритишининг мақсадини белгилайди, мақсад эса тафаккур жараёнини назорат қиласи» [7]. Демак, педагогик шубҳа бўлажак педагог рефлексив позицияси тузилишининг муҳим элементи сифатида – бўлажак педагогнинг оқилона танлов қилишидан олдин



ора йўлда тургандаги позицияси, бу икки тарафлама ҳолат, дилемма бўлиб, айни муаммога нисбатан турли фикр, мулоҳаза, ҳукмларни тақдим қиласди. Дж. Дьюи педагог учун муқобил ҳулқ-авторни ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида сўз юритади ва рефлексив позиция тузилишида бешта аниқ мантиқий қадамни ажратиб қўрсатади: а) қийинчилик (мушкул аҳвол) ҳисси; б) қийинчиликлар ва уларнинг чегараларини аниқлаш; в) ечимлар варианatlари; г) харакат усулларини асослаш; д) танланган усулларни қабул қилиш ёки рад қилишга ёрдам берувчи кузатиш, ҳаракатларнинг муқобил усулларини ишлаб чиқиш [8].

Умнов В.С. педагог рефлексив позицияси тузилишининг таркибий қисмлари ҳақида сўз юритиб, унда қуйидаги компонентлар борлигини таъкидлайди: шахс инновацион салоҳиятининг фаоллаштирилиши; касбий тажрибани қайта баҳолаш; касбий ижодкорликни ривожлантиришга интилишнинг ортиши; касбий фаолиятда рефлексиянинг актуал ва потенциал (мавжуд ва имкондаги) соҳаларининг кенгайиши, шунингдек билимлар, хабардорлик ва фикрнинг бирлиги [9].

Митюшин М.А., тузилиш ҳақида сўз юритиб, рефлексив позициянинг қуйидаги мавжуд ҳар хил турларини ҳисобга олиш заруриятiga тўхталади, булар:

- элементар рефлексия, у аҳамияти ва чегараларини белгилаш учун мавжуд билимларни таҳлил қилиш ва кузатишга асоланган;
- илмий рефлексия, у илмий тадқиқотнинг муайян йўналишига оид назарий билимларнинг танқиди ва таҳлилига асосланган;
- фалсафий рефлексия, у тафаккур ва борлик, умуман инсоният маданиятининг алоҳида томонларини англаш ва тушунишга асосланган.

Шахс томонидан ўзини ўзи билиш мазмунининг тушунилиши, олий педагогик таълим доирасида амалга ошириладиган тафаккур тамойилини ҳамда турли шаклдаги тадқиқотларни қўллаш мутахассис касбий тайёргарлиги муаммолари ечимларини шундай таъминлайдики, унда бўлажак касбий фаолияти доирасида ўзининг ўрни ҳақида аниқ тасаввурлар ривожланади.

Яъни, олий педагогик таълимнинг гуманистик йўналган стратегиясини амалга оширишда гуманистик ўзини ўзи англаш, дунёқараш, дунёни англаш, бошқача айтганда, бўлажак педагог шахсининг маънавий ривожлашига йўналтириш зарур [10]. Айни вақтда бўлажак педагог рефлексив позициясининг муҳим қисми – бу унинг маънавиятлилиги ҳамда унинг ахлоқий жихатдан ўзини ўзи назорат қилишидир. Кўп миллатли, полиэтник мухитда миллатлараро низоларнинг кескинлашиши шароитида реф-



лексив ва толерант позицияни ишлаб чиқиши йўли билан ёшларда миллат-лараро толерантликни фаол шакллантириш зарур, бўлажак педагогнинг рефлексив позицияси ривожланадиган халқаро таълим маконида эса уни шахс ахлоқий қадриятларига асосланган жуда муҳим аксиологик усул сифатида истисно қилиш мумкин.

Бўлажак ўқитувчиларнинг рефлексив позицияси тузилишини аниқлаш учун уларни талабалар ёшига мос ҳолда даврлаштирилишини таҳлил қилиш жуда муҳим.

Рефлексив позиция ижтимоий жиҳатдан етарли даражада функционал бўлиб, унинг мақсади атрофдаги олам, инсонлар ва бўлажак касбига нисбатан ўз ҳаётий позициясини аниқлаб олишда шахсга ёрдам беришдан иборат.

Талабалик даври инсон томонидан онгли равишда касб танлаш учун мос бўлиб, бунда шахс ўзининг маънавий ўсиши, маънавий ва психологик жиҳатдан тинчлик-хотиржамликнинг устуворлигига қизиқиши ортади. Бундай танлов ёшлар ўртасида маънавий-қадриятли йўналганлик соҳасида, шунингдек ҳаётда рефлексия қобилиятига эга бўлишда бўлинишларга олиб келади. Бироқ талабалик даврида маънавий салоҳиятнинг юқорилиги маънавийлик ва рефлексиянинг ривожланишига ёрдам бермайди. В.С. Мухин фикрига кўра, катта ёшдаги киши ўсмирға хос психологик мавқени ёшлик даври жуда яхши ўтгандан сўнг ҳам қўллаб туриши мумкин, ва оқибатда болаликда узоқ вақт “тутилиб”, қолиб кетиши мумкин [11].

Зимняя И.А. рефлексив кўникмаларни иккى асосий тузилишини (структурасини) ишлаб чиқкан. Биринчисида у рефлексив кўникмаларни алоҳида гуруҳга ажратади. Иккинчисида ҳар бир гуруҳда лойиҳалаш, билиш, ташкилий, коммуникатив, конструктив каби умумкасбий кўникмаларни, шунингдек алоҳида рефлексив кўникмаларни ажратади. Иккинчи тузилишда рефлексиянинг муайян тури мавжуд. Яъни, билишга оид кўникмаларда (ўз фаолияти ва шахсининг қучли ва бўш томонларини таҳлил қилиш, таълим муаммоларини ҳал қилиш қобилияти; фаолиятидаги хатолар сабабларини топиш; фаолияти тузилишини қайта тузиш имконияти); лойиҳалаш кўникмасида (фанни талабаларга ўқитишдан олдин уни таҳлил қила олиш ҳамда дарс материалини курс билан ўзаро нисбатини аниқлаш); ташкилотчилик кўникмасида (талабалар билан ҳамкорликни, талабалар ўртасида ўзаро ҳамда ота-оаналари, ҳамкаслар билан ўзаро таъсирни мувофиқлаштириш, таълимни талабалар ўзини ўзи ифодалай оладиган тарзда ташкил қилиш); конструктив кўникмаларда (ўқувчиларни фаннинг қизиқарли ва гайриоддий жиҳатларига қизиқишини рагбат-



лантириш); коммуникатив кўнікмаларда (шахснинг эмоционал ҳолатини назорат қилиш ва тушуниш, ўзини ўзи тартибга солиш, инсонни ва унинг ҳаракатларини кузатишга асосланган унинг ҳақида фикрга эга бўлиш; маслаҳат бериш ва мулоқотда алоқа қилиш механизмаларини билиш, руҳий ҳолатларни тушуниш, талаба шахсини таҳлил қилиш қобилияти, таълим олувчи хатоларини диагностика қилиш, хатоларни тузатиш, қайғудош бўлиш).

В.А. Сластёчин, рефлексив позициянинг таркибий компонентларига тўхталиб, қўйидагиларни таъкидлайди: а) ўзини ўзи назорат қилиш, ўз фаолиятини ўзи тартибга солиш; б) ўзини ўзи рефлексия қилиш – бу аниқ педагогик вазиятни акс эттирувчи вазият билан боғлиқ рефлексия, бир вақтда бўладиган; в) педагог ва талаба ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ рефлексия [12].

Шуни таъкидлаш керакки, В.А. Сластёчин педагог рефлексив позициясининг бош элементи сифатида индивид томонидан ўз хис-туйғулари, фикрлари, ҳаракатлари, ниятларини таҳлил қила олиши, уларни ўзига ва ўзгаларга нисбатан прогнозлаш имконини ажратиб кўрсатади. Демак, рефлексив позиция бўлажак педагогда таълим олувчиларнинг ўзини ўзи идрок қилиши ва баҳолашини тушуниш ва прогнозлаш кўнікмасини ривожлантириши керак.

Бўлажак педагогни касбий тайёрлаш доирасида ўқитувчи рефлексив позицияси инсон томонидан ўз-ўзини ва атрофдаги кишиларни идрок қилиш, фаолияти мазмунини тушунишга асосланган тафаккур усули сифатидаги мавқега эга бўлади.

Юқоридагилардан қўйидаги хulosса чиқариш мумкин, рефлексив позиция – бу педагогик-психологик ҳодиса, ўз шахси ва фаолиятига танқидий муносабатда бўлиш установкаси, самарадор шахслараро муносабатлар ва алоқалардир ҳамда улар бўлажак педагог касбий позициясининг асосий компоненти сифатида қаралиши мумкин (Bruner, 1990; Rogers, Frieberg, 1994). Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, рефлексив позиция бўлажак педагог шахсини тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Рефлексив позиция касбий етуклик ва педагог профессионализми тизими ривожланишининг омили, динамик индивидуал структуравий янги ҳосила, муносабатлар ва хусусиятлар тизими сифатида қаралиши ҳамда фаолият субъекти сифатида тавсифланиши лозим [12].

Бўлажак педагог бутун диққат-эътиборини ўзига, ўз шахсини тушуниш, англашга жалб қилгандагина, у касбий жиҳатдан янада ривожланишга қодир бўлади. Бу билан боғлиқ равишда ОТМларда таҳсил олиш жараённида



бўлажак педагог рефлексив позициясининг тузилиши шаклланиб боради. Ўз навбатида, талабалар ўз шахсий тажрибасини мунтазам рефлексив жиҳатдан таҳлил қилиб борсалар, касбий тайёрлаш самаралироқ ўтади.

Шундай қилиб, бўлажак педагог рефлексив позициясининг таркиби ва мазмуни қуидаги компонентларнинг ўзаро боғлиқлигини ўз ичига олади, булар: когнитив-таҳлилий (билиш жараёнининг фаоллиги, касбий фаолиятда кўлланиладиган рефлексиянинг ижобий эмоциялар тусини олган маҳсус тушунчалар-категориал аппаратини ўзлаштирилиши; таҳлил қилишга мойиллик, компетентлик, ақлий билиш, педагог томонидан ўз тажрибасини қайта англаниши, муаммоларни акс эттириш ва, қоидага кўра, ўз фаолияти, мулоқот, хулқ-атвorum, шахсий “Мен”ига таъсиран муносабатда бўлиш, ўз тажрибасини бошқалар тажрибаси билан солиштириш, олинган ечимларга танқидий муносабатда бўлиш қобилияти); эҳтиёжли-мотивацияли (ўз касби ва умуман ҳаётга, ўзга инсонларни билишга қизиқишига асосланган, эмоционал ва ҳиссий муносабатда бўлиш; педагогик шубҳани ҳал қилиш эҳтиёжига эга бўлиш; қийинчиликлар, уларнинг чегаралари ва ҳал қилиш йўлларини аниқлаш; хатти-харакатлар ва хулқ-атвorum мумкин бўлган имкониятларини излаш); коммуникатив-муносабатга оид (шахслараро муносабатларни қуришни билишда намоён бўладиган самарали коммуникация. Мазкур мезон педагогик жараёнда мулоқот унумли ўтиши учун унинг иштирокчилари коммуникатив муносабатларини тўғри қуриш имконини беради. Педагогнинг ўз шахсини рефлексив баҳолаш қобилияти ўзига ва ўз фаолиятига рефлексив муносабатда бўлиш, эмпатия – инсонлар хис-туйгулари ва фикрларини тушунишга интилиш, атрофдагилар билан ўзаро таъсирда бўлиш асосларини инсон томонидан ўзлаштирилиши асосида шаклланади ва ривожланади); эмоционал-фаолиятли (турли усул ва шаклларга, жумладан шахснинг дунёни ҳаёлан чеккага қўйиб туриб ўз фикрларига эътиборни жалб қилишни билишига асосланган педагогнинг ўз фаолиятини эмоционал қайта англаши. Педагог ўз камчилик ва афзал томонларини қайта кўриб чиқади, ҳукмлар, талқинлар, тушунчалар, фаразлар ва ҳ.к. устида фикр юритади); маъно яратувчи (таълим олувчилар олдида, шунингдек муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал қилишни билишда ўзини мутахассис сифатида тўғри тақдим қилишда намоён бўлади. Бўлажак педагог рефлексив тафаккур фаолиятининг мухим қисми эканлигини тушуниши лозим, фикр ва хатти-харакатлари унинг дикқат марказида туриши керак, уларнинг бўш томонларини аниқлаб туриб, ўз фаолиятини лойиҳалаши ва яхшилаши керак); профессионал-изланувчаникка оид (профессионализм, инновацияларга интилиш; ўз касбий фаоли-



ятини таҳлил қилишга мойиллик; ўзини ўзи такомиллаштириш ва ўзини ўзи рўёбга чиқаришга интилиш, педагог касбий фаолиятининг рефлексив жараёнлари ҳақида тасаввурлар мажмуи).

Адабиётлар:

1. Практическая психология образования / Под ред. И.В.Дубровиной - М.: ТЦ «Сфера», 1998. - 130 с.
2. Выготский Л.С. Педагогическая психология. - М.: Педагогика - Пресс, 1996.- 536 с.
3. Деркач А.А., Семенов И.Н., Степанов С.Ю. Психолого- акмеологические основы изучения и развития рефлексивной культуры госслужащих. М. 1998. – 2010. – 199 с.
4. Непомнящая Н.И. Психодиагностика личности: Теория и практика. - М.: Гуманит. изд. Центр ВЛАДОС, 2001. - 192 с.
5. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии.- М.: Педагогика, 1976. - 800 с.
6. Вульфов Б.З. Педагогика рефлексии / Взгляд на профессиональную подготовку учителя. - М.: Магистр, 1999. - 112 с.
7. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания.- М.: Наука, 2000.- 351 с.
8. Дьюи Д. Психология и педагогика мышления. - Перевод с англ. Н.М.Никольской. – М.: Совершенство, 2013. – 309 с.
9. Философская энциклопедия / Под ред. Ф.В. Константинова. (в 5 томах, 1960-1970.
10. Рубинштейн С.П. Основы общий психологии. - СПб Питер., 1999.
11. Мижериков В.А. Психолого-педагогический словарь. / В.А. Мижериков. - Ростов-на-Дону, 1998.540 с.
12. Рубинштейн С.П. Основы общий психологии. - СПб Питер., 1999.

РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада педагогика олий таълим муассасалари талабаларида рефлексив позицияни ривожлантиришнинг тузилиши, ўрни ва ахамияти касбий компетенция сифатида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш муаммоси асосида очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье раскрывается структура, место и важность развития рефлексивной позитивности у студентов педагогических вузов на основе проблемы развития рефлексивных умений как профессиональной компетентности.

SUMMARY

This article reveals the structure, place and importance of the development of reflexive positivity among students of pedagogical universities based on the problem of the development of reflexive skills as professional competence.